

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

**4-2018**  
август

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

**А.ЗИЯЕВ**

Турли тизимли тилларда “интенсификация” концептуал семантикасининг морфологик сатҳда ифодаланиши ..... 72

**Х.ЖАББОРОВ, Э.ЖАББОРОВ**

Қарши топонимлари тадқиқотчиси..... 76

**Н.АЛИБОЕВА**

Инглиз тилида тасвирий маънонинг ифодаланиши ..... 80

---

**ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ****Ф.РАШИДОВА, Ш.ИГАМБЕРДИЕВА**

Талабалар томонидан 1-даражали чет тилларни ўзлаштиришнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш..... 84

**А.НУРМУҲАМЕДЖАНОВ**

Таълимда замонавий технологик ёндашув омиллари..... 88

**Н.БАЙДУЛЛАЕВА, И.ДОМУЛАДЖАНОВ, Ш.ДОМУЛАДЖАНОВА, С.ИСРОИЛЖОНОВ**

Лицей, коллеж талабалари, мактаб ўқувчиларининг ақлий меҳнатга резистентлигига экологик шароитларнинг таъсирини ўрганиш..... 92

**Э.МИРЗАЖОНОВА, А.ҲОМИДОВ**

Нутқида камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болаларга психологик-коррекцион усулларнинг мослиги ва самарадорлиги муаммолари ..... 96

---

**ИЛМИЙ АХБОРОТ****И.НЕЪМАТОВ, С.КУКИЕВА**

Боғлиқмас тасодифий сондаги тасодифий миқдорлар йиғиндисининг максимумини баҳолаш ҳақида ..... 100

**А.ЮСУПОВА, С. УКТАМОВ**

Натурал сонларни кўпайтиришнинг бир усули ҳақида ..... 102

**Р.УМУРЗАКОВ**

Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссасида ўсмирнинг руҳий олами ва ижтимоий муҳит ..... 104

**М.САИДАКБАРОВА**

Алишер Навоий ижодида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима ..... 106

**Ф.ОРИПЖОНОВА**

Фарида Афрўз лирикаси ..... 109

**Д.ХОДЖИМЕТОВА**

Адабиётни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш..... 111

**Л.СИНДОРОВ**

“Ҳибатул-ҳақойиқ”даги айрим ўзлашмалар хусусида ..... 113

**У.УМУРЗАКОВА**

Лингвокультурология ва прагмалингвистиканинг алоқадорлигига доир..... 116

**Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Н.ИСРОИЛОВ**

Оиладаги маънавий муҳитни яратишда ота-она ибрати – жамият тараққиёти омили..... 118

**М.БАҲРОМОВА**

Маданиятнинг эстетик потенциали ва унинг ўзига хослиги ..... 121

**Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА**

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тарихи..... 124

---

**АДАБИЙ ТАҚВИМ**

Фарғона давлат университети (собик олий педагогика институти)нинг иккинчи директори Босит Қориев ..... 127

УДК: 48342(92)

## АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИИЙ ТҶИМА

М.Саидакбарова

**Аннотация**

Мақолада Алишер Навоий ижодидаги тарихий маълумотларнинг “Хамса”даги бадиий талқинлари ҳақида сўз боради.

**Аннотация**

В статье речь идёт о художественных толкованиях в “Хамсе” исторических сведений из творчества Алишера Навои.

**Annotation**

The article considers artistic interpretation of historical information of A.Navoiy's creative work in “Hamsa”.

**Таянч сўз ва иборалар:** куллиёт, тарихий мавзу, ижодий тахайюл, мифологик тушунча, адабий таъсир, тарихий шахс, бадиий образ, ғоя, воқелик, жанр хусусияти.

**Ключевые слова и выражения:** сборник, историческая тема, творческая фантазия, мифологическое понятие, литературное влияние, историческая личность, художественный образ, идея, бытность, специфика жанра.

**Keywords and expressions:** collection, historical theme, literary fantasy, mythological concepts, literary effect, historical person, literary image, idea, existence, genre specification

Алишер Навоий “Муҳокамат-ул луғатайн” номли асарида “Тарихи мулуки Ажам” ни “Хазойин-ул маоний” куллиёти таркибига кирган тўрт девони ҳамда “Хамса” дostonлари қаторида тилга олади. “Бу “Хамса” шуғлидин чун фароғат топибмен, тахайюлум гети навардин салотин таърихи даштиға чопибмен, чун нома саводи зулматидин “Зубдат-ут таворих” (шоир бу ерда “Тарихи мулуки Ажам” ҳамда “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарларини умумий ном билан “Зубдат-ут таворих”, яъни “Тарихларнинг қаймоғи” дея номлаган) адосин тузупмен, салотин ўлган отин бу ҳайвон суйи била тиргузубмен...[1].

Академик А. Қажумов шундай ёзади: “Биз агар Алишер Навоий қаламига мансуб ҳар бир асарни, у хоҳ лирик ёки эпик асар бўлсин, хоҳ тарихий мазмунда бўлсин, уни истисно бадиий ижод намунаси, деб қарасак, хато қилмаган бўламиз. Ҳатто “Зубдат-ут таворих”...га ўхшаш асарларни ҳам бадиий адабиётга алоқаси бор, деб баралла айтса бўлади” [3].

Асардаги мифологик тушунчалар ифодаси, афсонавий маълумотлар талқинлари, халқ оғзаки ижоди намуналари таъсири, айрим факт ва маълумотларга ижодий ёндашув, дарҳақиқат, ушбу асарни ўзига хос композицион тузилишга эга бўлган бадиий асар сифатида ўрганишга асос бўлади.

Қолаверса, Эрон мамлакатининг тўрт

табақа шоҳлари тарихига шоир “Хамса”нинг “Садди Искандарий” дostonида махсус боблар ҳам ажратганки, “Тарихи мулуки Ажам” асарида акс этган ижодий тахайюл, адабий-бадиий талқинлар бу асар ёзилмасдан бурун ҳам шоир ҳаёлини банд этган эди, дейиш мумкин.

Алишер Навоий тарихий ва афсонавий шахс ҳамда ҳукмдорлар ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида сўз юритар экан, Шарқ адабий-тарихий манбаларида кўп учрайдиган, халқ ўртасида машҳур бўлган ривоят ва ҳикоятларга тўхталиб ўтирмайди ёки бир неча жумлаларда “ижмол била” мухтасар маълумот билан чекланади. Масалан, Хисрав Парвиз ҳақидаги маълумотлар баёнида унинг Ширин ҳамда Фарҳод билан бўлган муносабатлари ҳақида қисқача тўхталади. Хисравнинг “Шириндек маҳбуби бор эрдиким, оламда анингдек ҳусну латофат ва жамолу малоҳат ҳеч кимда йўқ эрди... Агарчи Шириндек оламда нодираси бор эрди, вале Фарҳоддек ҳам олам ажубаси рақибни бор эрдиким, ишқ ва ниёз атрофидин, бовужуди Хисравдек подшоҳ, (Шириннинг) кўнгли Фарҳодқа майл қилиб, илтифот ва тараҳхумлар зоҳир қилди. Ва ани билиб Хисрав рашқдин макр била Фарҳод қатлиға боис бўлдиким, андин **машҳурроқдирким битмак ҳожат бўлғай**” [1.120-121].

Гап шундаки, Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарида Хисрав Парвиз, Ширин, Фарҳод, Бузург

М.Саидакбарова – ҚДПИ ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

Уммид сингари бир қанча тарихий-афсонавий шахслар таърифида ўзидан олдинги тарихнавислар изидан боради. Хисравнинг “бодовард” (шамол денгиз орқали суриб келган хазина) га эга бўлганлиги, Шабдиз номли ғайриоддий оти, Бузург Уммид исмли донишманд вазири, Ширин деган маҳбубаси, қолаверса, Фарҳод исмли тош қазувчи йигит ҳақидаги маълумотлар анъанавий руҳда баён этилади. Аммо “Тарихи мулуки Ажам”дан бир неча йил аввал ёзилган “Фарҳод ва Ширин” достонида ушбу тарихий шахслар ҳамда воқеа-ҳодисаларга ўзининг танқидий муносабатини ҳамда шахсий мулоҳазаларини келтиради. Бу образларнинг бадиий талқинида Фирдавсий, Низомий ва бошқа адибларнинг йўлидан бормайди. Фирдавсий Эроннинг улуг тарихини тараннум этиш мақсадида Хисравни ижобий қаҳрамон, Низомий эса ўзига замондош Эрон ҳукмдорларига ибрат сифатида уни қайта тарбияланувчи образ тарзида бадиий талқин этганлар. Алишер Навоийнинг позицияси уларникидан буткул фарқ қилишини қуйидаги мисралардан илғаш мумкин:

**Вале чекканлар ушбу жомдин роҳ  
Саросар бўлдилар Хисравга маддоҳ.**

**Ки мулки андоқу ойини мундоқ,  
Сипоҳи андоқу тамкини мундоқ** [2.164-165].

Кўринадики, тарихга оид асарда ўз даври тарихнавислиги анъаналари қобиғидан чиқа олмаган Алишер Навоий эпик достонларида тахайюл ва тушунчаларига эрк беради, факт ва маълумотларга муносабатини билдиради, кучли мантиқ ҳамда фалсафий асосга суянган ҳолда хулосалар чиқаради. Тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима муаммоларига, образ яратишнинг янгича усулларига, ўзининг бу борадаги позициясига қуйидагича муносабат билдиради:

**...Заруратким солиб бир ўзгача тарҳ,  
Бу меҳнатномани қилғумдурур шарҳ.**

Аксинча, Алишер Навоий қарашлари Доро ибн Дороб ҳамда Искандар ҳақидаги ўзгача бўлган тарихнависларнинг ёзиб қолдирган маълумотларига мос келганлигини қуйидагича шарҳ орқали илғашимиз мумкин. “Доронинг икки ноибиким, анинг зулмидин

ториқиб эрдилар, ани ҳалок қилдилар... Баъзи дебтурларким, аларни Искандар йибориб эрди, бу ишни буюрди... Искандар келиб, анинг бошини ўз тизи устига қўюб, онт ичтиким, бу иш менинг қошимдин эмас эрди. Доро Искандарга уч васият қилди. Бир улким, Равшанакним, анинг қизи эрди, қулғай (никоҳига олғай). Бир улким, анинг қотилларин ўлтургай. Бир улким, анинг атбоиким, Фурс мулки наслидин эдилар, қатл қилмағай, дағи риюят қилғай. Искандар барчани қабул қилди. Доро охир дамда Искандардек муставлий адувсидин хушнуд ўтти. Ва бу **достонни** фақир “Садди Искандарий”даким, “Хамса”нинг бешинчи китобидур, машруҳ адо қилибтурмен” [1].

Фикримизча, “Тарихи мулуки Ажам” муаллифи ишқ матлабидан келиб чиқиб, ўзидан аввалги муаррихларнинг Хисравнинг Ширинга бўлган муҳаббати тафсилотларига қўшилмаган. Навоийнинг нуқтаи назарига кўра, ишқ ва жоҳ (бойлик), ошиқлик ва тож-тахт ўртасида мувофиқлик, самимийлик ва табиийлик бўлмайди. Шунинг учун ҳам Хисрав ва Ширин ҳақидаги юқорида келтирилган маълумотларни бадиий асарда қайта ишлаган ҳамда ўз муносабати ва дунёқарашини изчил баён этган.

Искандар ва Доро муносабатларидаги мардлик, адолат, раҳм-шафқат, олижаноблик кўринишлари Алишер Навоийга маъқул келган ҳамда “Садди Искандарий” достонида бу воқеа-ҳодисаларни машруҳ – мукаммал тасвирлашга ҳаракат қилган.

Баҳром бинни Яздигурд ҳақидаги тарихий маълумотлар “Тарихи мулуки Ажам” муаллифи яшаган давр воқелиги билан омихта ҳолда берилиши диққатни тортади. Баҳром ҳақидаги маълумотлар сўнгида ҳам Навоий батафсил маълумотлар олмоқ учун ўқувчидан ўз “Хамса”сининг “Сабъаи сайёр” достонига мурожаат қилишини сўрайди. “Ва Дилором жанги ва етти қаср ва Ҳаварнақ ва сойир ҳолотин билай деган киши бу фақир “Хамса”сида “Сабъаи сайёр”ни ўқуб, маълум қилсун” [1].

Аммо Алишер Навоийнинг Баҳром бинни Яздигурд ҳақидаги маълумотлардан ғоявий мақсади анчайин кўп томонлама бўлган. Буни биз “Сабъаи сайёр” достонидаги Баҳром тилидан Ҳусайн Бойқаро ҳақида айтилган қуйидаги сўзлардан ҳам илғашимиз мумкин:

**...Бўйла шоҳики мунча ҳолоти,  
Турфа вазъу ажаб хаёлот.**

**Шаҳлар ичра манга эрур монанд,  
Де олурмен: эрур манга фарзанд.**

Алишер Навоий ушбу мисралардан юқорироқда Баҳромнинг шон-шуҳрати, давлату шавкати Хусайн Бойқарониники билан таққослайди, таққослаш асносида Хусайн Бойқаронинг Баҳромдан устун томонлари кўп эканлигини таъкидлайди. Шу билан бирга Баҳромга муқояса қилиш давомида Хусайн Бойқаронинг ноқис ва ножоиз жиҳатларини ҳам усталик билан кўрсатиб ўтади:

**Майл этиб айш ила тарона сори,  
Боқмадим ганж ила хизона сори.**

**Ул дағи айш сори мойилдур,  
Нағмау савт бирла хушдилдур.**

“Тарихи мулуки Ажам”да ҳам, “Сабъаи сайёр” достонида ҳам Баҳромнинг Чин ҳоқони устидан, Хусайн Бойқаронинг Ёдгор мирзо устидан оз сонли кўшин билан музаффар бўлганлиги келтирилади. Шунга қарамасдан, “Тарихи мулуки Ажам”да бу воқеага яна қайтишини таъкидлаб, “Иншооллоҳул азизким (бу воқеа) ўз маҳалида шарҳ била битилгай ва нақиру қатириғига дегунча шарҳ қилилгай” дейди.

Хулоса қилиб айтганда, улуғ шоир ва мутафаккир ўз даври тушунчаси доирасида тарихий ҳақиқатни қаламга олар экан, воқелиқдан узоқлашмасликка интилади, бадиий асарларида эса ана шу тарихга оид воқеа-ҳодисалардан ўзининг илғор ғоявий-фалсафий қарашларини ифодалашда унумли фойдаланади. Бу ҳол Алишер Навоий ижодий кўламининг серқирралиги ҳамда жанрлар хусусиятидан келиб чиқиб қалам тебратганлигидан далолатдир.

#### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Муҳокамат-ул луғатайн. Асарлар. XV жилдлик. 14-жилд. – Т., 1974.
2. Алишер Навоий. Хамса. –Т., 1960.
3. Қаюмов А. Алишер Навоий ижодининг жаҳоншумул аҳамияти. Шоир таваллудининг 570 йиллигига бағишланган Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

*(Тақризчи: Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори).*